
"Ватанга хизмат қилиш энг олий саодатдир"

Риштон туман хокимлиги, туман Маънавият ва маърифат бўлинмаси, 9223-ҳарбий қисм, Ватанпарвар ташкилоти билан ҳамкорлигикда 2021 йил 6 декабрь куни Риштон туман 1-сон касб ҳунар мактабида "Ватанга хизмат қилиш энг олий саодатдир" шиори остида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "Ёшларни маънавиятини юксалтириш ва уларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш буйича бешта муҳим ташаббуси" доирасида маънавий-маърифий тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда ҳарбий хизматчилар томонидан саҳналаштирилган кўргазмали чиқишлари ўқувчи-ёшларда яна бир карра ватанпарлик рўҳини ўйғотиб келажакда ўзларининг Ватан олдидаги бурчларини ҳис қилишга туртки бўлди.

Тадбирдан сўнг ҳарбий хизматчилар ва ўқувчи-ёшлар биргаликда тумандаги "Носгар" МФЙ да жойлашган Эргашбой ота Сангинов номидаги халқ кутубхонасига саёҳат уюштирдилар Бугунги бўлиб ўтган тадбир меҳмонлар ва ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди.

2021-12-06 16:22:01